

Ўзбекистонда sog'liqni saqlash Здравоохранение Узбекистана



Газета 1995 йил октябрь ойидан чиқа бошлаган E-mail: uzss@inbox.ru 2007 йил 18-24 сентябрь № 37 (553) Сешанба кунлари чиқади

Международная конференция



С 10 по 14 сентября текущего года в столичной гостинице Dedeman был проведен второе субрегиональное совещание ЮНИСЕФ, посвященное вопросам ускорения прогресса в достижении целей развития тысячелетия. На данном мероприятии участвовали представители таких международных организаций, как ВОЗ, CDC, Азиатский Банк Развития. В совещании принимали участие представители Министерств здравоохранения Грузии, Армении, Азербайджана, Турции, Казахстана, Кыргызстана, Таджикистана, Туркменистана, Узбекистана. В заключительный день нам удалось побеседовать с некоторыми участниками конференции.

ОХРАНА ЗДОРОВЬЯ МАТЕРИ И РЕБЁНКА

Охрана материнства и детства является одним из приоритетных направлений реформирования системы здравоохранения. Министерством здравоохранения наряду с другими министерствами, ведомствами и неправительственными организациями проводится реализация следующих Государственных программ и постановлений:

- №242 от 5 июля 2002г «О мерах по реализации приоритетных направлений повышения медицинской культуры в семье, укрепления здоровья женщин, рождению и воспитанию здорового поколения»
- №365 «О добровольном освидетельствовании, лиц вступающих в брак»
- №515 от 2 ноября 2004 года «О мерах реализации проекта «Укрепление здоровья женщин и детей» с участием АБР»
- № 34 от 27 января 2005 года «О мерах по реализации проекта «Здоровье-2 с участием Международной Ассоциации Развития»
- ПП-№153 от 11 августа 2005 года «О мерах реализации Национальной программы фортификации муки»
- ПП-№573 от 23 января

2007 года «О Государственной программе Год социальной защиты»

- Национальный план действий по обеспечению благополучия детей в Узбекистане (2007г.)

Основными направлениями программ являются:

- Совершенствование системы охраны репродуктивного здоровья населения.
- Скрининг Матери и ребёнка.
- Развитие системы непрерывного обучения, повышение квалификации специалистов и уровня знаний населения в области охраны репродуктивного здоровья, улучшение медицинской культуры.
- Расширение международного сотрудничества по улучшению репродуктивного здоровья женщин, рождения и воспитания детей.

5. Укрепление материально-технической базы учреждений детства и родовспоможения.

6. Развитие службы крови республики.

Министерством здравоохранения проводится работа по формированию здоровой семьи, рождению здорового поколения, уменьшению числа детей с врожденными пороками развития и инвалидов с детства, путем реализации Программы Скрининга матери и ребенка. В республике создана инфраструктура скрининг центров, укомплектованная современным диагностическим оборудованием и высококвалифицированными кадрами. В 11 скрининг центрах республики проводится активное выявление врожденных заболеваний у детей. Больные дети находятся под диспансерным наблюдением и получают медицинскую помощь. За период с 1998 по 2006гг. по итогам перинатального обследования у 172873 беременных группы риска выявлено и предотвращено рождение 5000

(Продолжение на 3-й стр.)

Халқаро анжуман

ЗАМОНАВИЙ БИЛИМЛАР ВА КЎРСАТМАЛАРГА ТАЯНИБ

Бугун дунёда глобал мавзуга айланган ижтимоий касалликларнинг олдини олиш, таъхис қўйиш ва даволаш ишлари ҳар бир тиббиёт мутахассисидан катта малакани талаб этади. Бу эса соҳа ривожига тинмай изланиш, янги-янги ихтиролару кашфиётлар яратилишини тақозо этади. Ахборот технологиялари асрига шиддат билан кириб келаётган энг сўнгги замонавий даволаш усуллари бугун мамлакатимиз тиббиёт тизимида ҳам муайян тарзда ўз аксини топмоқда. Шу маънода 17-18 сентябрь кунлари пойтахтимиздаги В. Воҳидов номи Иختисослаштирилган хирургия марказида «Кўкрак қафаси ва сут беги касалликлари радиологияси» мавзuida халқаро анжуман бўлиб ўтди.



Семинар Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Радиологлар жамияти ҳамкорлигида ташкил этилган бўлиб, унда хорижий давлатлар ва юртимизнинг етакчи олимлари, мутахассислар ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этдилар. Тадбирни Соғлиқни сақлаш вазирининг ўринбосари М. Ҳожибеков кириш сўзи билан очиб, тадбирни ўтказишдан асосий мақсад, айтиш кунда долзарб бўлиб турган кўкрак қафаси ва сут беги касалликлари радиологияси бўйича мамлакатда ва хорижда олиб борилаётган фаолиятлар, кенг қўламдаги тажриба имкониятлари, касалликни ўрганиш ва мутахассислар тайёрлаш орқали замонавий самардорликка эришиш каби масалалар хусусида тўхталди. Семинар давомида Австрия давлати-


дан таъриф буюрган профессор-олим R. Rientmueller рақамли радиология ва унинг афзалликлари, кўкрак қафаси рентгенограммасини ўқиш, сут беги касалликларида комплекс нур таъхиси тўғрисидаги фикрларини ўз маърузасида баён этди. Замонавий метод ва йўналишлардан иборат янгиликлар барча катнашчиларни бефарқ қолдирмаган ҳолда уларнинг бу ҳақдаги қизиқишлари ва фикр-мулоҳазаларини уйғотди. Тақдим этилган янги даволаш усулларидаги кўрсатма ва тавсиялар мутахассисларнинг тажриба қўламларини бойитиб, уларнинг кейинги ишларида асосий манба бўлиб хизмат қилади.

Икки кун давом этган семинар иштирокчилар фаолияти ҳамда халқ саломатлиги йўлида қилинаётган самарали ишларда ўз ифодасини топади.

Намоз ТОЛИПОВ.

ОБУНА – 2007

Азиз шифокорлар,
ҳамширалар, зиёлилар ва барча
муштарийлар эътиборига!
Тиббиётдаги янгиликлар сари
одимлашингизда Сизга мадад бўлишни ўз
олдига мақсад қилиб қўйган
«Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш –
Здравоохранение Узбекистана» газетасига
2007 йилги обуна давом этмоқда.
Бунинг унутманг!
Нашр индексимиз: 128.



Ислохот одимлари

Бухоро вилояти,
Ромитан тумани
марказий шифохонаси

Мамлакатни модернизациялаш ва демократлаштириш йўлида бугун ислохот жараёнлари узлуksиз тарзда амалга оширилаётган экан, бу янги тушунчаларнинг бевосита тиббиёт тизими тармоғида ҳам татбиқ этилиши соҳа ривожининг жаҳон тажрибаларига юз тутаетганлигидан бир нишондир, десак хато бўлмайди. Кайсики

хууд тармоғини олманг, у ерда албатта, энг сўнгги турдаги замонавий технологияларнинг етиб борганлиги аҳоли саломатлиги йўлидаги ишлар бесамаж кетмаганлигидан далolat беради. Шу маънода суҳбатимизни Бухоро вилояти, Ромитан тумани марказий шифохонаси бош шифокори Бахрилло НАРЗИЕВ билан давом эттирдик.

ХАЛҚ МАНФААТИНИНГ УСТУВОР ИМКОНИАТЛАРИ

— Бахрилло Холиқович, мамлакатда ислохот жараёнларини изчиллик билан йўлга қўйишда давлат дастурлари ҳамда бир қанча қонун ҳужжатларининг аҳамияти катта ҳисобланади. Бевосита соғлиқни сақлаш тизимини ислох қилишга қаратилган Давлат дастури бугун қай даражада фаолиятда ўз аксини топмоқда, деб ўйлайсиз?

— Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 10 ноябрдаги ПФ-2107-сонли “Ўзбекистон Республикасида соғлиқни сақлаш тизимини ислох қилиш Давлат дастури тўғрисида”ги Фармони асосида Бухоро вилояти ҳокимлигининг 1998 йил 3 декабрь 205-сонли қарори ҳамда унинг асосида вилоят соғлиқни сақлаш бошқармасининг 2002 йил 4 февраль 26-сонли буйруғи ва туман марказий касалхонасининг 2002 йил 12 февраль 36-сонли буйруқлари чиқарилган. Фармонда кўзда тутилган мақсад бирламчи тиббий ёрдамни ислох қилиш, қишлоқ врач-

часи қаттиқ-юмшоқ жиҳозлар билан таъминланган. 2004-2006 йилларда қишлоқ врачлик пунктлари “Саломатлик-2” лойиҳаси дастурига киритилиб, Бутунжаҳон банки талаблари асосида таъмирдан чиқарилди. Қишлоқ врачлик пунктларида фаолият кўрсатаётган умумий амалиёт врачларининг ҳаммаси 3 ойлик умумий амалиёт врачлари тайёрлаш курсларида ўз малакаларини оширдилар. Бундан ташқари, 10 та амалиёт врачимиз 10 ойлик ўқув курсини тугатди. Жорий йилда “Саломатлик-2” дастури бўйича қишлоқ врачлик пунктларида 25 миллион сўмлик қаттиқ жиҳозлар, 6 миллион сўмлик физиотерапия аппаратлари олинди. Республика ҳукумати ва Бутунжаҳон банкининг “Саломатлик-2” дастури талаблари асосида қишлоқ врачлик пунктларини қуриш, уларни замонавий тиббий асбоб-анжомлардан жиҳозлаш билан жиҳозлаш, қишлоқ аҳолисига сифатли ва самарали тиббий хизмат кўрсатиш ва саломатликларини тиклаш борасида катта ишлар олиб борилмоқда. 2007 йилнинг

йил 1 июлда ишга туширилди. Бўлим асосан 30 ўринга мўлжалланган бўлиб, терапия, хирургия, педиатрия йўналишлари бўйича туман аҳолисига тажрибали тиббиёт ходимлари томонидан малакали, сифатли тиббий хизмат кўрсатиб келинмоқда. Халқнинг шошилинч тиббий ёрдамга бўлган талаби кучайганлиги сабабли ва беморлар учун янада қулайликлар яратиш мақсадида, бўлим таркибига реанимация, клиника-диагностика бўлимлари, фиброгастроскопия, ультратовушли текширувлар, рентген хоналари бириктирилди. Шунингдек, даволанувчилар ва мурожаат этувчиларга янада сифатли тиббий ёрдамни кучайтириш учун муассасага замонавий технологиялардан хирургик мажмуи, гинекологик тўплам, электрокоагуляторлар олинди.

— Тез ёрдам хизмати қай даражада ташкил қилинган?

— Ҳаммамизга маълумки, тиббиёт йўналишида инсон ҳаёти хавф остида қолганда тез ёрдамнинг аҳамияти ниҳоятда катта бўлади. Бунинг учун албатта, тез ёрдам бўлимидаги фаолиятлар тўғри йўлга қўйилган бўлиши муҳим. Тез ёрдам бўлимида аҳоли ҳамда ходимлар учун керакли шароитлар мавжуд. Айниқса, бўлимидаги 10 та “ДАМАС” русумли санитария машиналари ва уларга ўрнатилган рациялар ҳамда ходимларга берилган 3 дона шошилинч сумкаларининг мавжудлиги беморларга ўз вақтида тез ёрдам кўрсатишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Бунинг баробарида бўлимининг 2 та тез ёрдам станцияси ҳам худудлардаги аҳолига тиббий хизмат кўрсатмоқда. Мавжуд станцияларда врачлар 92 фоизни, ўрта тиббиёт ходимлари эса 100 фоизни ташкил этади. Таъкидлаш жоизки, қақирувдаги ходимлар тез ёрдам сумкалари ҳамда биринчи ёрдам учун зарур бўлган дори-дармонлар билан тўлиқ таъминланган. Шунингдек, ишлар тезкорлик билан олиб борилишида 9 та “ДАМАС” русумли ва 1 та УАЗ автомашиналарининг ўрни бекиёс бўлмоқда.

— Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 5 июлдаги 242-сонли “Оилада тиббий маданиятни ошириш, аёлларнинг соғлигини мустаҳкамлаш, соғлом авлод туғилиши ва тарбиялашнинг устувор йўналишларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Давлат дастури ижросини таъминлаш борасида қандай самарадорликларга эришилди?

— Саволингиз ўринли. Чунки, давлатимизнинг энг устувор вазифаларидан бири оналик ва болаликни муҳофазалаш ҳамда оилада тиббий маданиятни ошириш экан, бу ҳар бир тиббиёт ходимининг олдида юксак вазир-



фани юклайди. Дастурнинг асосий мақсади оилада тиббий маданиятни ошириш, соғлом авлод туғилиши борасида керакли чора-тадбирларни қўриш, аёллар ва ўсиб келаётган авлод соғлигини мустаҳкамлаш экан, бу борада туманимизда муайян ишлар амалга оширилди. Энг аввало, репродуктив саломатликни муҳофаза қилиш ишлари самарадорлигини ошириш мақсадида тумандаги ҳар бир қишлоқ врачлик пункти бўйича туғиш давридаги аёлларни тиббий кўрикдан ўтказиш бўйича режа тузилиб, шу асосда иш олиб боришмоқда. Туманда 30 минг 188 нафар туғиш ёшидаги аёллар бўлиб, улардан 29 минг 584 нафари тиббий кўрикдан ўтказилди. Уларнинг 22 минг 188 нафаридан ҳар хил экстрагенитал касалликлар аниқланди ва керакли гуруҳларга ажратилиб, улар “Д” назоратига олиниб, соғломлаштириш ишлари олиб боришмоқда. Таъкидлаш жоизки, нисбий туғиш мумкин бўлмаган 21 минг 633 нафар аёл соғломлаштирилди. Улардан 18 минг 288 нафари амбулатор шароитда, 3 минг 345 нафари стационар шароитда даволанди. Нисбий туғиш мумкин бўлмаган, 1278 нафар аёлга туғишга рухсат берилди. Тиббий кўрикни сифатли ўтказиш мақсадида стационарда ишловчи врачлар ҳам жалб қилинди. Оналар ва болалар ўлимининг кўрсаткичи аввалги йилларга қараганда пасайди. Айни кунда дастур ижросини янада такомиллаштириш мақсадида тиббиёт ходимларини аҳоли билан муқамал тарзда ишлаб, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишни кучайтириб, ҳар бир оилада тиббий маданиятни оширишда фаол иштирок этмоқдалар.

— Санитария-эпидемиология хизмати борасидаги фаолиятлар ҳусусида ҳам тўхталсангиз?

— Туман аҳолисини эпидемик хотиржамлигини таъминлаш мақсадида даволаш-профилактика муассасаларида Соғлиқни сақлаш вазирлигининг амалдаги буйруқлари тиббиёт ходимлари орасида ўрганиб чиқилиб, юқумли касалликлар даврийлиги бўйича беморларни фаол аниқлаб, тез ёрдам орқали юқумли касалликлар шифохонасига ётқизиш ҳамда улар билан бирга бўлганларни доимий назорат остига олиш ишлари тўғри йўлга қўйилган. Шунингдек, 2005 йилга нисбатан 2006 йилда юқумли касалликлар камайди. Жумладан, ичбурғ 5 тага, вирусли гепатит 34 тага, ОРВИ 587 тага, сил касаллиги эса 5 тага камайди.

Туман аҳолисининг тоза ичимлик суви билан таъминланган қисмида сувлар ҳар ҳафта режа асосида бактериологик ва кимёвий кўрсаткичларга кўра текшириб боришмоқда. Мазкур текширувлар бўйича “Ромитан сув оқова” раҳбариятига тегишли тавсиялар берилиб, чора-тадбирлар кўрилди. Аҳолининг тоза ичимлик суви билан таъминланмаган қисмига қулайлик яратиш мақсадида махсус сув ташиш транспортлари ташкиллаштирилиб, ҳар бир транспортга паспортлар берилди, шу тариқа аҳоли пунктларига ўз вақтида ичимлик суви етказиб берилмоқда. Бундан ташқари юқумли касалликларни олдини олиш борасида ҳам жойларда тарғибот ва ташвиқот ишлари қўйилган.

Мақсадимиз халқимиз саломатлиги йўлида хизмат қилиш экан, туманимиздаги тиббиёт ходимлари билан ҳамкорликда иш олиб бориб, бор қуч ва имкониятларимизни аямаймиз.

Сўзбатдош:
Ибодат СОАТОВА.



лик пунктларини ташкиллаштириш, шошилинч тез тиббий ёрдам тизимини такомиллаштириш, тизимдаги молиялаштиришни ислохлаштириш, нодавлат секторини барпо этиш, кадрлар тайёрлаш тизимини ислох қилиш, умумий амалиёт врачлари, олий малакали ҳамшираларни тайёрлаш, санитария-эпидемиология барқарорлигини таъминлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилишни қучураштириш, тиббий хизмат сифатини оширишдир.

— Демак, дастурдан кўзланган асосий мақсад инсон саломатлигини мустаҳкамлаш ва муҳофаза қилиш экан, бу борада бирламчи тиббий санитария ёрдамини кўрсатишда қандай ишлар амалга оширилди?

— Туманда фаолият кўрсатаётган 27 та қишлоқ врачлик пунктдан 11 таси янги лойиҳа асосида қурилган бўлиб, бар-

февраль ойида Жаҳон банки томонидан ҚВПларга 81 миллион сўмлик жиҳозлар, яъни ЭКГ аппарати, қуриш шифафи, центрифуга, ФЕК, зарарсизлантис-рувчи эритмалар тайёрлаш учун “Покиза” аппаратлари берилди. Таъкидлаш жоизки, Давлат дастури асосида бундай ишларнинг амалга оширилаётганлиги, айниқса, қишлоқ шароитида яшайётган аҳоли учун ниҳоятда қўл келаетганлиги ҳеч биримизга сир эмас. Бу албатта, инсон соғлиғига бўлган эътиборнинг ёрқин ифодасидир.

— Ҳар қандай тасодиф ёки қутилмаган ҳолатларда шошилинч тиббий ёрдамга бўлган эҳтиёж ва зарурат инсон ҳаётини сақлашда асосий роль ўйнайди. Бу борада қандай ишлар йўлга қўйилган?


— Туман марказий касалхонасининг шошилинч тиббий ёрдам кўрсатиш маркази 2001

Мақола Ўзбекистон Республикаси мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонднинг «Соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилаётган ислохотлар мониторинги» лойиҳаси асосида тайёрланди.

Международная конференция

ОХРАНА ЗДОРОВЬЯ МАТЕРИ И РЕБЁНКА

детей с врожденными пороками развития. Благодаря проводимым мерам по профилактике, за последние 5 лет сократилась детская инвалидность. Если в 2002 году количество детей инвалидов в стране составляло 125339, то в 2006 году данная цифра составила 117722.



В целях совершенствования нормативной основы службы охраны материнства и детства Министерством здравоохранения пересмотрены и изданы приказы, согласно рекомендациям ВОЗ:

- №500 от 13 ноября 2003 г. "О реорганизации работы родильных комплексов (отделений) по повышению эффективности перинатальной помощи и профилактике внутрибольничных инфекций"

- №425 от 5 сентября 2005 г. "О внедрении современных технологий по повышению эффективности оказания помощи беременным в учреждениях первичной медико-санитарной помощи Республики Узбекистан"

- № 176 от 22 апреля 2005 года "О программе по дальнейшему снижению младенческой смертности"

- № 81 от 19 марта 2006 г. "О дальнейшем распространении ИБДОР"

- №145 от 30 марта 2007 г. "О внедрении современных технологий по повышению эффективности оказания медицинской помощи детям на первичном звене здравоохранения"

- №155 от 10 апреля 2007 г. "Об оказании стационарной помощи детскому населению Республики Узбекистан"

Республика одна из первых среди стран СНГ внедрила программы "Обеспечение безопасной беременности" и "Повышение эффективности перинатальной помощи". Проведена реор-

ганизация работы родильных комплексов, организованы более 2000 индивидуальных родильных залов, сокращены сроки госпитализации матерей и новорожденных после физиологических родов, усилилось внимание и забота медицинского персонала и родственников к беременным, роженицам, новорожденным.

ленность целевых групп составляет 4,419,626 женщин и детей. В 2005 году начата реализация "Национальной программы по фортификации муки" финансируемой за счет гранта Глобального альянса по улучшению питания на сумму 2,8 млн. долларов США. На сегодняшний день на 58 мукомольных предприятиях по всей Республике, включая 13 частных, установлено специальное оборудование для фортификации муки микроэлементами и витаминами. В рамках программы, мукомольными предприятиями произведено и реализовано 850,0 тыс. тонн обогащенной муки. В текущем году 20 августа Исполнительный комитет Международной инициативы по фортификации муки (Flour Fortification Initiative) на Первом Региональном Семинаре по Фортификации Муки, проходившем в рамках Международной конференции АСЕАН по питанию наградил делегацию Узбекистана почетной международной наградой за вклад в реализацию Национальной программы по фортификации муки.

Данной наградой «За лидерство в фортификации муки» на-

по профилактике анемии наблюдается тенденция к уменьшению заболеваемости анемией женщин фертильного возраста с 66,6% в 2003 году до 61,4% в 2006 году.

В рамках осуществления программы по саплементации витамином А проведено 8 туров среди детей с 6 мес. до 5 лет и матерей в первые 8 недель после родов. За период 2003-2006 гг. охвачено 90-93% детей (более 2 миллионов) и свыше 100 тыс. матерей.

Укрепляется материально-техническая база учреждений родовспоможения и детства с привлечением грантов и кредитов международных организаций и доноров. С 2005 года начата реализация проекта "Укрепление здоровья женщин и детей" с участием Азиатского банка развития в 6 регионах страны (ПК, Бухарская, Кашкадарьинская, Ташкентская, Ферганская, Хорезмская области).

В рамках данного проекта предусматривается:
Оснащение современным медицинским оборудованием:

- 96 родильных отделений на уровне районов и областей



граждаются страны, внесшие значительный вклад в достижение глобальной цели Международной инициативы по фортификации муки – к 2008 году фортифицировать 70% производимой муки в мире микроэлементами и витаминами. Одним из важнейших факторов успеха в реализации Национальной программы по фортификации муки стала сильная государственная поддержка программы на самом высоком уровне, создание оборотного фонда для закупки микроэлементов и витаминов, что обеспечивает устойчивость программы, а также принятие государственных стандартов на производство фортифицированной муки.

В результате реализации мер

Национального банка крови и областей СПК созданы:

- 178 областных и районных центров подготовки медсестер;
- 2500 врачей, работающих в области охраны материнства и детства;
- 6 областных центров подготовки специалистов, работающих в области охраны материнства и детства.

Всего будут переподготовлены:

- 12000 патронажных медсестер и акушерок;
- 220 трансфузиологов.

Материал подготовлен при содействии Общественного фонда поддержки и развития независимых печатных средств массовой информации и информационных агентств Республики Узбекистан.

В пилотных регионах идет подготовка учреждений родовспоможения к приему оборудования. За отчетный период в 6 регионах, проведены ремонтно-реконструктивные работы в 81 (84,3%) учреждении родовспоможения из 96. Созданы и подготовлены к приему оборудования 18 областных учебных центров для непрерывного профессионального образования акушер-гинекологов, неонатологов и педиатров, во всех областях страны организованы областные и районные учебные центры по непрерывному образованию патронажных медсестер. Поставлены комплекты лабораторной мебели для лабораторий 65 ЦРБ.

Большое внимание уделяется оздоровлению и охране репродуктивного здоровья женщин фертильного возраста. В республике организованы и оснащены 19 Центров репродуктивного здоровья. Охват современными контрацептивными средствами нуждающихся женщин увеличился с 57,8% в 1998 году до 62% в 2006 году. В настоящее время потребление в контрацептивных средствах покрыта за счет бюджетных средств и грантов. В результате улучшилась возрастная структура родов, количество родов среди женщин до 20 лет снизилось с 6,7% в 1998 году до 3,6% в 2006 году. Уменьшилось число нежелательных беременностей, показателем которого является динамика абортот. Данный показатель составил в 1998 году 9,4 на 1000 женщин фертильного возраста, а в 2006 году 7,0. В результате проводимых мер по охране репродуктивного здоровья, охраны материнства и детства показатель материнской и младенческой смертности заметно сократился.

Региональное бюро ЮНИСЕФ решило провести очередное совещание, посвященное вопросам ускорения прогресса в достижении целей развития тысячелетия в г. Ташкенте, с целью ознакомления стран участниц с опытом Узбекистана в области охраны материнства и детства.

Клара ЯДГАРОВА,
Начальник главного управления охраны материнства и детства
Министерства здравоохранения Республики Узбекистан.

СОВМЕСТНЫЕ ЦЕЛИ

Санжив КУМАР,
Региональный эксперт по вопросам здоровья и питания
(Женева, Швейцария):

– Сегодня последний день конференции, и у нас уже есть возможность говорить о ее результатах и итогах. Мы послушали очень интересные и полезные семинары, на основе которых планируем дальше строить свою деятельность. На семинаре участвовали представители разных стран. Было очень интересно узнать о положении дел в других странах мира. Обмен информацией и опытом позволяет перенять эффективные методы борьбы с глобальными проблемами, такими как детская смертность. Мы имеем большие планы, которые хотим осуществить в ближайшие 2-3 года. В первую очередь, это внедрение усовершенствованного технического оборудования. Во-вторых, расширение методической базы. Также в ближайшие планы входит сооружение новых зданий, которые будут использоваться в качестве больниц, поликлиник и других медицинских учреждений. Данная конференция послужила зарождению новых идей, которые в ближайшее время будут осуществлены.



(Окончание. Начало на 1-й стр.)



(Продолжение на 4-й стр.)

Международная конференция

СОВМЕСТНЫЕ ЦЕЛИ



Каринэ САРИБЕКЯН,
Начальник отдела охраны здоровья
матери и ребенка
Минздрава Армении:

— Мы приехали в Узбекистан 4 дня назад. За это время мы посетили такие медицинские учреждения, как Республиканский Центр Перинатологии, Городской Центр Перинатологии. Эти организации поразили меня своей атмосферой. Обстановка, слаженная работа коллектива, направленность на одну общую цель — все это поднимает качество работы этого учреждения на высокий уровень. Данное лечебное учреждение не оснащено современными медицинскими аппаратами, но это не мешает докторам, работающим здесь, выполнять свою работу на высшем уровне. Залог положительного результата любой деятельности — это преследование одной общей цели, полная отдача своему делу. Если в медицинском коллективе имеются такие качества, то успешный результат обеспечен. Городской Перинатальный Центр — яркий пример того, что не высокие технологии и не новейшая аппаратура, а именно сплоченная работа, направленная на достижение определенной цели, является залогом успешного результата любой деятельности.



Укиля ГИЗЗАТОВА
Главный специалист Минздрава
Республики Казахстан:

— В наше время очень актуальной является проблема высокой смертности новорожденных и грудных детей, а также самих роженцев. Данная конференция преследует несколько целей. В первую очередь, она направлена на оценку ситуации выживания детей, сокращения бедности, смертности на 2/3 по сравнению с 1990 годом. В то же время, рассматриваются проблемы сокращения смертности не только среди детей, но и среди молодых матерей. Наряду с этим, мы рассматриваем вопросы борьбы со СПИДом. Благодаря данной конференции, мы получаем возможность ознакомиться с тем, как обстоят дела по данному вопросу в других странах мира, у нас появляется шанс поделиться методическими приемами, новыми стратегическими разработками по борьбе с вышеперечисленными проблемами. Ведь именно путем сотрудничества и обмена опытом можно добиться значительных успехов в решении данных проблем.



Материалы конференции
подготовили Юлдуз
НАЛИБАЕВА и Намоз
ТОЛИПОВ.



Материал подготовлен при содействии
Общественного фонда
поддержки и развития
независимых печатных
средств массовой информации
и информационных агентств
Республики Узбекистан.

Дунё ва биз

ҲАМКОРЛИК САМАРАСИ

Билим ва малака шифокорнинг энг яқин ҳамроҳи. Шу боис йил, ойгина эмас, балки кун сайин ўз устида ишламаган, тиббиётдаги янгиликлардан хабардор бўлиб бормангани ҳодим ўз нуфузи, беморлар ишончини йўқотиб бориши табиий.

Наманган вилоятида врачлар ва ўрта тиббиёт ходимлари касб малакасини ошириб боришга биринчи даражали вазифа деб қаралмоқда. Тиббиётчилар нафақат республикамизда, балки қатор хорижий ва ҳамдўстлик мамлакатларида билим олаётган. 2006 йилнинг февраль ойида Россиянинг Новосибирск вилояти солиқни сақлаш департаменти бошлиғи, тиббиёт фанлари доктори Н. Тов бошчилигидаги бир гуруҳ шифокорлар Наманган вилоятига ташриф буюришган эди. Сафар чоғида улар ўнлаб шифо масканларида бўлишиб, кўргазмалар амалиётлар ўтказиб, маслаҳатлар бердилар. Икки томонлама шартнома имзоланиб, Наманганлик шифокорларнинг Новосибирскдаги етакчи тиббий муассасаларда малака оширишлари қилиниб олинган эди. Шу боис, 2007 йилнинг ўтган ойларида 50 нафар Республика шифолини тиббий ёрдам илмий маркази вилоят филиали, Чортоқ, Наманган, Чуст, Норин туманлари марказий шифоналари, вилоят онкология диспансери, кардиология маркази, 6-Наманган шаҳар, 1-ойлавилик поликлиникалари ҳамда 1-шаҳар кўп соҳали болалар шифохонаси врачлари малака оширишди. Йил охиригача яна 50 нафар тиббиёт ходимининг Новосибирскда малака ошириши кўзда тутилган.

Ҳамкорлик шартномаси доирасида яқинда Наманганга Новосибирск вилояти кардиолог-клиник диспансер профессори И. Браве, тиббиёт фанлари номзоди И. Балабанов, анестезиолог-реаниматолог А. Белавин, А. Динилеков, тиббиёт ҳамширалари О. Жилина, Н. Ожеринская ташриф буюриб, улар иштирокида «Кардиология ва кардиохирургиянинг долзарб муаммолари» мавзuida республика мактаб-семинари ўтказилди. Новосибирсклик шифокорлар Республика шифолини тиббий ёрдам илмий маркази Наманган вилояти филиалида қатор жарроҳлик амалиётларини ўтказдилар.

Аҳадхон АҲМЕДОВ,
Наманган вилояти.

Дил изҳори

ДАРДДАН ФОРИФ БЎЛДИМ

Шу йилнинг эрта баҳорида юрагим тўсатдан безовта қилиб, дунё кўзимга қоронғи кўриниб кетди. Мени зудлик билан Республика ихтисослаштирилган кардиология марказига олиб боришди. Касалхонада менга кўрсатилган даво муолажалари, шифокорларнинг меҳр билан қилган парваришлари туфайли оёққа туриб, оилам бағрига қайтдим. Дарднинг келиши осон, кетиши қийин экан. Агар б-реабилитация бўлими бошлиғи Равшан Шўкуров, бўлим раҳбари Нодира Азимова ҳамда кўлинг дард кўрмагурс даволловчи шифокорим Тожимурод Ашуров каби етук мутахассислар, ёнимизда ҳамisha муолажага тайёр турган ҳамширалар Н. Носирхўжаева, Н. Мирсоғатова, И. Курбонова, А. Алимуллаева, Ш. Ибрагимова ҳамда озодалик ва орасталик бекалари М. Алиева, М. Игамназарова каби фидойи инсонлар бўлмаганида бутун вужудимни қамраб олган юрак хасталигидан фориғ бўла олмас эдим.

Бугун кўлимга қалам олиб, мана шу инсонлар меҳнатини эътироф этар эканман, айниқса, меҳрибон шифокорим Тожимурод Ашуров ва юқорида номлари тилга олинган барча-барчага самимий миннатдорчилигимни билдираман. Илоҳим кўларингиз дард кўрмасин, беморларнинг хаста дилларига қувонч бағишлаётган ширин каломингиз бундан-да зиёда бўлиб, яхшилиқ деб аталиши инсоний фазилатлар сизларни сира тарқ этмасин. Раҳмат, азизлар!

Шахло ИСЛОМОВА,
Тошкент шаҳри, уй бекаси.

Фотолавҳа



Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ туманида жойлашган «Чимган» силга қарши курашиш болалар сыхатгоҳида йилга 920 нафардан ортиқ бола ўз солиғини тиклаб қайтмоқда.

— Улар учун муассасамизда барча шароитлар яратилган. Шунингдек, узок муддат даволанувчиларга умумтаълим мактабимиз ҳам фаолият кўрсатиб келмоқда, — дейди бош врач Норинбой Ниёзматов.

Пардабой ЭРГАШЕВ.

СУРАТДА: тажрибали шифокор Оғабек Фоййпов беморни тиббий кўрикдан ўтказмоқда.



Ёш оналарга маслаҳат КИЧКИНТОЙНИНГИЗ СОҒЛОМ ЎССИНИ!

Ушбу мақола Ўзбекистон Республикаси
Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Бухоро вилояти
«Авиценна» болалар шифокорлари уюшмаси
билан Буюк Британиянинг «HealthProm» ноҳукумат
ташкilotи кўмаги асосида тайёрланди

Етарли микдорда қуюқ овқатлар беринг 6-12 ойликда берилиши керак бўлган маҳсулотлар:

- * сабзавотли бўтқа (картошқалар ёки сабзили, 1 чой қошиқ сариёғ);
- * гушти, гуручли ёки хамирли шўрва;
- * майдаланган ёки пиширилиб қирғичдан ўтказилган гушт (жигар, говуқ, мол, ёғсиз барра қўй гушти, балиқ), тухум сариғи;
- * қуюқ гуручли, манний бўтқаси ёки гречкали бўтқа 1 қошиқча сариёғ билан;
- * доңли маҳсулот бўтқаси.

Агар бола ичишни хоҳласа унга қуйидагиларни беринг:

- * қайнатилган сув, уйда тайёрланган мевали ва сабзавотли шербат, қатиқ, ширин бўлмаган компотлар.
- Қўшимча овқатлар билан биргаликда, кўрак сут 2 ёшгача болалар учун бебаҳо озуқа ҳисобланади.

ЭМЛАШ

Бола одатда эмлаш жадвали асосда эмланади

Эмлаш зарур бўлган ёши	Қайси касалликка қарши эмланади
1-кун	Вирусли гепатит Вга қарши эмлаш
2-5 кун	Сил ва полиомиелитга қарши эмлаш
2 ой	Қоқшол, бўғма, қўйқўтал ва полиомиелитга қарши эмлаш Вирусли гепатитга қарши иккинчи эмлаш
3 ой	Қоқшол, бўғма, қўйқўтал ва полиомиелитга қарши иккинчи эмлаш
4 ой	Қоқшол, бўғма, қўйқўтал ва полиомиелитга қарши учинчи эмлаш
6 ой	Вирусли гепатитга қарши учинчи эмлаш
12 ой	Қизамик, тепки, қизилчага қарши эмлаш
16 ой	Қоқшол, бўғма, қўйқўтал ва полиомиелитга қарши тўртинчи эмлаш

Эмлашдан кейин келиб чиқадиغان ҳолатлар

Эмлашдан кейинги ҳолатлар организмнинг жавобли реакцияси ҳисобланади. Кўпинча болада инжиклик, ҳароратнинг кўтарилиши, эмланган жойда қизариш, оғриқ кузатилади. Кўпинча АКДС реакцияси вакцинани олганда кузатилади. Бу ҳолат 2-5 кунда ўтиб кетади. Агар муолажа қилинган жойда тугун ҳосил бўлса, 20-30 кундан кейин ўтиб кетади. Ҳарорат кўтарилганда парацетамол таблеткаси берилади. Дори микдорини шифокор белгилайди.

1 ЁШГАЧА БЎЛГАН БОЛАНИНГ ЎСИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИ

Одатда болалар ҳар хил ривожланади. Вақти келиб улар қулиш, ўтириш, юришни ўрганадилар. Ҳар ой шифокор ҳузурига бориб, боланинг бўйи, оғирлиги, жисмонан ўсишини кузатиб бориш.

Бола ўсишининг энг тез муддати 1 йилнинг биринчи чорағига тўри келади. Бўйининг умумий ўсиши 12 ойликда 25 см. атрофида. Бола тана вазнининг кўпайиши нотекис бўлиб, 5 ойликда 2 марта кўпайса, йил охирига бориб 3 баравар кўпаяди.

1 ойлик бола турли хил ишораларга қулади. 2 ойликда қорнида ётиб бо-

(Охири. Боши ўтган сонда).

шини тутта билади, қўл-оёқларини ўйнатади. 3-4 ойликда ўйинчоқларни ўзи олиб, қўлида ушлаб туради. 3-5 ойликда бола орқасидан қорин соҳасига айланади. 5-7 ойликда мустақил ўтира олади. 6-8 ойликда бировнинг ёрдами билан тик тура олади. 6-9 ойликда эмаклайди, суюқликни пиёладан ича олади. 8-10 ойликда бировнинг ёрдами билан юра олади. 9-11 ойликда мустақил тик тура олади, қўйин бўлмаган сўзлар «ав-ав», «ада» дея олади. 10-12 ойликда мустақил юра бошлайди. Оддий сўзлар захираси 10 тага яқин бўлади.

СИЗ ВА СИЗНИНГ БОЛАНГИЗ ДУЧ КЕЛАДИГАН БАЪЗИ МУАММОЛАР НИМА УЧУН БОЛАЛАР КЎП ЙИГЛАЙДИ?

Йиғи – бу бола катталарни ўзига қаратиш ҳолатидир. Қачонки бола оқ қолса, тағи хўл бўлса, бир жойи оғриса ёки ким биландир гаплашишни истаса йиғлаши мумкин. Кўпинча йиғлашнинг асосий сабаби ичакларда газ алмашинуви бўлишидир. Бунинг учун бола қорнини соат йўналиши бўйича болалар малҳами билан уқалаш тавсия қилинади. Газни ҳайдаш учун болани қорни билан ётқизиш керак. Агар бола ҳеч қандай сабабсиз йиғласа, уни чағлатиш учун ашула айтишга, шёвр ўқишга, ҳар хил қилиқлар қилишга киришинг. Болага қарашга опа-ақаларини жалб қилинг. Бу сизга нафақат оёсийишатиқ яратди, балки келажакда уларнинг бир-бирига меҳрибончилигига асос бўлади.

КУСИШ

Эрта даврда болада қусишга мойиллик бўлади. Қусиш вақтида сут бурун халқумидан ўрта қулоққа ўтиб, яллиғлашни келтириб чиқариши мумкин. Бу эса қулоқ оғришига сабаб бўлади. Бунинг олдини олиш учун болани бешиқда эмас, балки қўлга олиб эмизмиш, эмизганда ҳам боланинг бошини бир оз кўтариш керак. Бола эмаётган пайтда ютган ҳавони кекириб чиқариб юбориши учун, уни қисқа муддат тик қилиб кўтариб юриш тавсия қилинади; бунда унинг елкасидан пастроғига астагина уриб қўйиш ҳам мумкин.

ИССИҚЛИК ВА БИЧИЛИШ

Иссиқлик топиши – кўпинча гигиена қоидаларига риоя қилмаслик ва ҳаддан ташқари исиб кетиш натижасида келиб чиқади. Иссиқликнинг бадандаги кўриниши майда қизил нуқталардан иборат. Болани илиқ сувда чўмилтириш иссиқликни даволашда ёрдам беради. Иссиқлик кўпинча думба, чов ва табиий тери бўғмаларида пайдо бўлади. Бу ҳолат – терининг ифлосланиши, сийиш, ич кетиши, терини яхши парвариш қилмаслик натижасида юзага келади. Дастлабки бичилиш ва теригада қизариш, кейинчалик йирингчали тери касалликларига айланиши мумкин. Бунинг олдини олиш учун болани вақти-вақти билан чўмилтириб туриш ва артиш керак.

БОШНИНГ СОЧЛИ ҚИСМИДАГИ ҚАЗОҚ

Қазоқ – тер ва ёғ безларидан чиқувчи қалин сарғимтир пўстлоқдан иборат. Кўпинча бу ҳолат қўл терлаш, нотўғри овқатланишдан келиб чиқади. Қазоқ ҳосил бўлишининг олдини олиш учун чўмилтишдан 30 дақиқа олдин бошнинг сочили қисмига тазаланган ўсимлик ёғи суртилади. Чўмилтириш вақтида бу пўстлоқчалар тез қўчади. Агар соч кўп бўлса, ажралган пўстлоқчаларни ювишдан олдин секинлик билан артиш керак. Бу муолажани ҳар сафар эҳтиёткорлик билан бажариш лозим.

ТИШЛАРИНГ ЁРИБ ЧИКИШИ

Боланинг биринчи сут тишлари 6-8 ойликда ёриб чиқади. Тишларнинг ёриб чиқиш белгилари – ёриб чиқаётган тиш-

ларнинг милкида шиш ва қизаришлар кўринишидир. Болада сўлак ажрлиши кучаяди. У безовта, инжик, қўлга тушган буюмларни оғзига солиб, милкларини қичиқди. Кўпинча тана ҳарорати кўтарилиши кузатилади, лекин ҳарорат 37,7°C дан ошмайди. Одатда, бу ёшдаги болаларда ҳароратнинг кўтарилиши ва ахлатнинг суюқланиши тиш қичиши билан боғлиқ бўлади, деб нотўғри фикрга борилади. Бундай ҳолатда албатта шифокор билан маслаҳатлашиш шарт!

Бу парвариш турларига қарамасдан, бола касал бўлиши мумкин. Шифокор қачон чақиритиш ва қайси вақтда бу ҳолатдан қоча олишини билишингиз керак.

Агар фарзандингизда куйида кўрсатилган белгиларнинг бирортаси ёки улардан бир нечтаси кузатилганда, тезда шифокорга мурожаат қилиш керак!

- * Боланинг безовталиги ёки тўхтовсиз йиғлаши;
- * Бола хириллашди, тезлашган, қийинлашган, шовқинли нафас олиши;
- * Тўтаноқ ҳужжатлари бўлиши;
- * Ҳароратнинг кўтарилиши (38,5°C дан баланд);
- * Ҳароратнинг пасайиши (35,5°C дан паст);
- * Эмишдан бош торттиши;
- * Қусиш ҳолатининг пайдо бўлиши;
- * Ич кетиши (диарея);
- * Гўдақ терисининг ранги ўзгариши ва тошма пайдо бўлиши;
- * Қўздан суюқ ёки йирингли ажралма келиши;
- * Киндик атрофининг қизариши, ундан суюқ ёки йирингли ажралма чиқиши;
- * Ахлатда қон ва шилимшиқнинг пайдо бўлиши;
- * Боланинг ташқи таъсирларга бефарқлиги.

Ҳар қандай касалликлар ва уларнинг асоратларини вақтида олдини олсангиз, фарзандларингизнинг соғлом ўсишига кўмаклашган бўласиз!

РАХИТ НИМА?

Рахит – витамин Днинг етишмаслиги натижасида келиб чиқадиغان касалликдир. Рахит билан касалланган болаларда кўрқоқлик, таъсирланувчанлик, инжиклик, ҳолсизлик кузатилади. Кўп терлаш, айниқса, эмизган вақтда тер томчиларининг юзда пайдо бўлиши ёки уйқу пайтида энса соҳасининг терлаши кузатилади. Болани бош қичиши безовта қўлади, у бошини ёстиққа ишқалайди, бунинг натижасида энса соҳасидаги сочлар тўкилади.

Бу ҳолатнинг олдини олиш учун тоза ҳавода сайр, она сут билан боқиш, парваришини тўғри йўлга қўйиш лозим. Шифокор маслаҳати билан витамин Дни қиш ва куз ойларида бериш керак.

ДИАТЕЗ НИМА?

Диатез – бола организмнинг муҳим ҳолати бўлиб, моддалар алмашинуви бўлиши натижасида келиб чиқади. Айрим озиқ-овқат маҳсулотларини (кўпинча сут, тухум, асал, цитрус мевалар, шоколад, қулунай) кўтар олмаслик ҳолатлари кузатилади. Теридаги ўзгаришлар бола ҳаётининг биринчи ҳафталарида, айниқса, иккинчи ярим йилликда, овқатнинг ҳар хил бўлишида кучли намоён бўлади. Бу ўзгаришлар 3-5 йилдан сўнг йўқолади. Белгилари ёноқда, қош тағида сариқ рангли доғлар юзага келади, тери қизариб қўчиши, бошнинг сочили қисмида пўстлоқчаларнинг юзага келиши кузатилади.

ДИАРЕЯ НИМА?

Диарея (ич кетиш) – бу кўпгина ҳолатларда овқат маҳсулотларининг таркиби ва

овқатланиш тартиби ўзгаришига боғлиқ бўлган ҳазм фаолиятининг бўлишидир. Диарея асосан касалликларга қарши кураш фаолияти сусайган болаларда келиб чиқади. Белгилари: сутқасига 5-6 маҳал суюқ ич ўтиши, ич ўтишининг тез-тез бўлиши, боланинг безовталиги, қўзғалувчан ёки уйқуван бўлиши, қўзғаланишнинг ичга ботиши, чанқаш. Агар бола суюқликни тўтоқиб ичса ёки яхши ичмаса, ахлатида қон бўлса тезда ёрдам кўрсатиш ва овқатланиш тартибига солиш мақсадида врачга мурожаат қилиш зарур.

ГИПОТРОФИЯ НИМА?

Гипотрофия сурункали озиқланишнинг бўлиши, тана оғирлигининг йўқолиши билан кечади. Асосий сабаблари: онада сут микдорининг етишмовчилиги, нотўғри эмизтиш, суний сутли бўтқаларни узоқ вақт давомида бериш, чала тугилиш, тўйимсиз ва бир хил овқат, ёмон парвариш, тартибнинг бўлиши, тоза ҳавода кам юриш, ошқозон-ичак касалликларидир. Белгилари: болада вазнининг йўқолиши, бўй ва ривожланиш кескин орқада қолиши кузатилади. Тери оқимтир, осилувчан, қуруқ, бурмали бўлиб қолади.

ДИСПАЗИЯ НИМА?

Диспазия – бола она қорнидагида чанок сон суяги тўқималарининг тўлиқ ривожланмаганидан келиб чиқадиغان ҳолатдир.

Сиз бундай болаларни қандай қилиб аниқлашингиз мумкин?

- * Оёқ узунлигининг ҳар хиллиги;
- * Орқа томондан қараганда боланинг думба ва сон соҳасидаги тери бурмалари ассиметрик ёки бир томонда бурмаларнинг йўқлиги;
- * Оёқларини қимирлатганда боланинг инжиклик қилиши;
- * Товоннинг ташқи томонга қарashi.

ФИМОЗ НИМА?

* Баъзан ўғил бола тугилганда охириги тери олат бошчасини ёпиб қўяди. Фимоз – бу тери олатни сиқиб қўйиши натижасида олат бошчасининг қичиши қийинлашувидир. Сийдик қичиши бузилмасан, шикастлар бўлмаган бўлса – физиологик фимоз дейилади. Бу ҳолат ўз-ўзидан ўтиб кетади.

Тавсиялар – болани чиниктиринг

- * Боланинг жинсий аъзоси доимо тоза бўлиши лозим;
- * Фимоз бўлса болалар жарроҳидан маслаҳат олиш керак;
- * Кўп ҳолларда ташқи терининг яллиғланиши, олатнинг қизариши, ташқи терининг ички қисмида йиринг ажрлаши, сийган вақтда оғриқ кузатилади. Бундай ҳолларда ҳам шифокорга мурожаат қилиш керак.

БОЛАНГИЗНИНГ ХАВФСИЗЛИГИ ҲАҚИДА ЎЙЛАНГ

Болангиз ўсиши билан, атроф-муҳитдаги ҳар бир нарса унга қизиқ туюлади, чунки у ўзини ўраб турган муҳит ҳақида ҳеч нарса билмайди. Сиз болангизга бирор нарсани ман қилишингиз, лекин бола ман қилинган нарсани кеңроқ аналб етиши мумкин. Ўз олдингизга савол қўйинг: «Йўда болангизни қандай қилиб хавфдан асрашингиз мумкин?» Биринчи навбатда уйингиздаги хавфли жойларни кидириб топинг.

Болани ёшидаги шикастланишларнинг асосий сабаблари:

- * тепалиқдан сакраш;
- * буюмларнинг бола устига тушиши;
- * қуйишлар;
- * ҳар хил турдаги заҳарланишлар;
